# Ақл чархи шахмат билан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 20-апрелдаги ПФ-6208-сонли Фармони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021-йил 29-апрелдаги 202-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан, Тошкент шаҳар Мирзо-Улуғбек туманидаги “Мирзакалон Исмоилий” М.Ф.Й. билан ТИҚХММИ “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факултети ҳамкорлигида Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида 2021 йил 6 июн куни маҳалла ёшлари ва фаоллари иштирокида спортнинг шахмат-шашка тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Тадбирда “Мирзакалон Исмоилий” М.Ф.Й. Оила, хотин-қизлар ва ижтимоий маънавий масалалар бўйича раис ўринбосари Иқболова Феруза Жафаровна, М.Ф.Й. Нуронийлар кенгаши раиси профессор Каримов Рустам Салимович, Раиснинг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Хамроев Искандар, шунингдек, “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факултети декани профессор А.Ж.Исаков ва ЭТваЭЖФ кафедраси ассистенти Ш.Юсуповлар иштирок этишди. Спорт мусобақаси маҳалла ёшларида катта қизиқиш уйғотди. Мусобақа якунида ғолибларга китоблар ва совғалар топширилди.

**ТИҚХММИ  матбуот хизмати**